

## Бохабар бўлинг

Хабарингиз бор, фанлардан ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи 86% ва ундан юқори бўлган ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тизимида фаол иштирок этган талабаларга тўлов-шартнома сўммасининг 35% миқдори Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан тўлаб берилиши тўғрисида эълон қилинган эди.

26 январ куни Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти “Гидромелиорация” факультети ва “Гидромелиоратив ишларни механизациялаш” факультети ўқув фанлардан ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи 86% ва ундан юқори бўлган Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан моддий қўллаб-қувватланишга даъвогар бўлган талабалар ҳамда институт ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти ёшлар етакчиси А.Бердимуродов ўртасида тарғибот ишларига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Йиғилиш давомида талабалар Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тизимида талабалар фаоллигини баҳолаш мезонлари ва тавсия олиш қоидалари билан яқиндан танишишди ҳамда ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олишди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи имтиёзлари ва имкониятлари тўғрисида маълумотга эга бўлиш учун институт бошланғич ташкилотига мурожаат қилинг. Мурожаат учун тел: 2371933



**Институт ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти ёшлар етакчиси А.Бердимуродов  
ахбороти**

**Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**